

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ DSc.40/29.12.2022.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ТУРДИЕВ САРДОР ЎТКИР ЎҒЛИ

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАДИГАН ТЕХНИК
ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турдиев Сардор Ўткир ўғли

Фавқулодда вазиятларни бартараф этадиган техник восита ва усулларини такомиллаштириш.....3

Турдиев Сардор Уткир угли

Совершенствование технических средств и методов ликвидации чрезвычайных ситуаций.....23

Turdiev Sardor O'tkir o'g'li

Improvement of technical means and methods to eliminate emergency situations.41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ DSc.40/29.12.2022.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ТУРДИЕВ САРДОР ЎТКИР ЎҒЛИ

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАДИГАН ТЕХНИК
ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т2166 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг web-саҳифасида (www.fvvakademiya.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ибрагимов Баҳром Тошмуратович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Баҳадиров Азизбек Абдулазизович**
техника фанлари доктори, профессор

Шарипов Ҳаёт Музаффарович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Жиззах политехника институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги DSc.40/29.12.2022.Т.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ куни соат ___⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57, E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100102, Тошкент ш., Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-35-33 E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2023 йил “___” _____ кунидаги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.М.Дўсматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

Р.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда 190 дан ортиқ давлатларда ҳар йили 7-8 миллион ёнгинлар содир бўлиши, улар оқибатида 85-90 минг инсонларнинг ҳалок бўлиши, моддий зарарнинг ҳажми эса йилига миллиардлаб АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бундай ёнгинлар сонининг ошиши натижасида моддий зарар ва экологик муҳитга жиддий таъсирини ўтказмоқда. Содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, тез ва осон ўчирилишини таъминлаш авария-қутқарув ишларини ташкиллаштириш самарадорлигини ошириш борасида ҳам ҳанузгача изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида содир бўладиган фавқулодда вазиятларни бартараф этишда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ёнгин ўчириш техник воситалари ва усулларини такомиллаштириш орқали ёнгинларни ўчириш самарадорлигини ошириб бориш талаб этилмоқда. Шу билан биргаликда, ёнгин ўчириш воситаларининг янги туркумларини ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ишларини янада такомиллаштиришни тақозо этилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги давлатларда ёнгинларнинг тез ва самарали ўчирилиши бу – ёнгин ўчириш воситаларини тўғри танлаш ва ёнаётган маҳсулотнинг таркибига аниқлик киритилиши билан кифояланиши, ҳар қандай ёнгин ўчириш воситаларининг самарадорлиги ва турли оқимларда узатилиши таклиф этилаётган янги намунадаги ёнгин ўчириш техникасининг ёнгин ўчириш дастаклари орқали амалга оширилиши талаб этилади. Ҳозирги кунда республикамизда ёнгин ўчириш техник воситалари ва усулларини босқичма-босқич тўлиқ маҳаллийлаштириш, самарадорлигини ошириш, янги намунадаги ёнгин ўчириш техник воситаларининг келгусида содир бўлган ёнгинларни ўчиришда кенг жорий этилишини таъминлашни ҳам тақозо этади. Дунёда сўнгги йилларда содир бўлган ёнгинларни ўчириш амалиёти шуни кўрсатадики, келгусида турли саноат қархоналарида, турар жой масканларида, бино ва иншоотларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг ўз вақтида ва самарали ўчирилишини таъминлаш, ёнгин-қутқарув бўлинмаларининг ёнгин ўчоғига қараб ҳаракатланишида ишончли бўлган замонавий ёнгин ўчириш техник воситаларидан самарали ва тизимли фойдаланишни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёнгин ўчириш техник воситаларини такомиллаштириш орқали ёнгинларни ўчириш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий хом-ашё асосидаги ёнгин ўчириш техник воситаларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва ёнгинларни самарали ўчириш самарадорлигини яхшилаш механизминини ишлаб чиқиш борасидаги амалий ишларни янада жонлантириш борасида ҳам муайян даражадаги илмий изланишлар кўламини кенгайтириш зарур талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га

йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашё ва технологиялардан фойдаланиб янги намунадаги ёнғин ўчириш техник воситаси ишлаб чиқилган. Бу эса турли бино ва иншоотларда содир бўлган ёнғинларни бартараф самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ 5706-сон “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” Фармони ҳамда 2019 йилнинг 10 апрелдаги ПҚ-4276-сон “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда ёнғин-қутқарувчиларнинг ёнғин ўчириш воситаларини такомиллаштириш амалиёти ва назариясига М.Д.Безбородько, М.В.Алешков, А.Толопченко, И.Д.Черноусова, А.И.Преснов, А.А.Печурин, А.В.Дониелович, А.В.Карпов, Н.И.Новичкова, Джон Брейтвейт, Джон Эриксон, В.И.Баловнев, М.М.Богословский, О.Курихин, М.Вуич, А.Ф.Иванов, Н.М.Дзикаслар ва бошқа тадқиқотчилар катта ҳисса қўшганлар.

Шу билан бирга, жаҳоннинг турли ҳудудларида содир бўлган ёнғинларни самарали ўчириш, ёнғин натижасида етказилиши мумкин бўлган моддий зарар миқдорини камайтириш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу йўналишда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилардан А.С.Астахов, Н.А.Архипов, Ж.К.Галиев, Г.Л.Краснянский, Н.Б.Изыгзон, Я.В.Моссаковский, И.В.Петров, А.А.Петросов, М.А.Ревазов, В.Ю.Федорин, В.А.Харченко, А.Б.Яновский, М.А.Ястребинский, М.Х.Усманов, Б.А.Мавлянкариев, А.А.Сулейманов, Ш.Э.Курбанбаев, Б.Т.Ибрагимов ва Х.М.Шариповларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Дунёда содир бўлаётган ёнғинларни ўчиришда фойдаланиб келинаётган ёнғинларни ўчиришда янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг тактик-техник хусусиятларини такомиллаштириш масалаларида ҳамда маҳаллийлаштириш борасида етарлича муаммолари борлиги олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланди. Ёнғин ўчириш қўл дастакларининг техник хусусиятларини янада ошириш, кўпик ёки сувли ўчириш воситаларнинг узатиш жадаллилиги, сарф коэффиценти ва кўпик ҳосил қилиш қарралиги сингари кўрсаткичларини яхшилаш борасида тадқиқотлар олиб бориш ҳам муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 2021 йил 20 январь кундаги 13/319-сонли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади ёнғин ўчириш техник воситалари ва усулларини такомиллаштириш орқали янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг тактик-техник имкониятларини оширишга эришиш ва улардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқотлар давомида амалиётда янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг тактик-техник хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ёнғинларни тезкор ва самарали ўчиришда қулай ва тежамкор бўлган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг амалиётга жорий этилиш ва ишлаб чиқиш;

янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси ёрдамида турли бино ва иншоотларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда сув ва кўпикли ўчириш воситаларини сифатли узатиш имкониятини ошириш;

янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, маҳаллийлаштиришга эришиш вариантларини тадқиқ қилиш;

ёнғин-қутқарув гарнизонларининг хусусиятларини батафсил ўрганиш ва самарали амалий ўқитишни ташкил этиш, ёнғинларни тезкорлик билан ўчиришда бошқарув моделларини ишлаб чиқишга эришиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги кунда кенг қўлланилиб келинаётган ёнғин ўчириш техник воситаларини янада такомиллаштириш мақсадида амалиётда дуч келинаётган муаммоларни инобатга олган ҳолда янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг ишлаб чиқарган ҳолда тажриба идишидаги ёнғинни ўчириш ва 1 м³ ҳажмдаги тажриба идишининг тўлдиришдаги натижалари олинди.

Тадқиқотнинг предметини тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқарилган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси орқали ўчириш воситаларининг узатилишидаги оқим жадаллилиги ва кўпик ҳосил қилиш қарралиги каби кўрсаткичлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг техник хусусиятларини янада ошириш усуллари, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика қоидаларининг амалга оширилиши, амалий экспериментал тажрибаларни режалаштириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ёнғинларни таҳлил этиш, шунингдек, тадқиқот натижаларнинг математик статистикаси ва корреляцион таҳлиллари, ўчириш воситаларининг оқим жадаллилиги, кўпик узатиш самарадорлиги ва кўпик ҳосил қилувчанлигини текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси келгусида ёнғин ўчоғига ўчириш воситалари сув ёки кўпик моддаларини самарали

узатилишини таъминлаш мақсадида ўтказилган амалий синов натижаларига асосан ёқилғи тежамкорли, қулайлиги, содир бўлган ёнғинларни тезкор ўчириш имконияти мавжудлиги аниқланган.

ёнғин ўчириш техникаси орқали ўтказилган тажриба жараёнларида содир бўлган ёнғинни самарали ўчириш мақсадида узунлиги 100 ± 2 см, эни 100 ± 2 см ва баландлиги 20 ± 2 см ли тажриба идишида (противеньда) ёнғинни ўчириш вақтининг ўртача кўрсаткичи 45 сонияни ташкил этиши аниқланди.

таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси асосан ёнғин ўчоғига кўпик ёки сувли ўчириш воситаларини етарли жадаллилиқ ва карралилигини таъминлаган ҳолда узок масофага узатилиши, ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкорлиги ва тактик-техник кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши эвазига масканлардаги ёнғинларни тезкор баратараф этишга сарфланадиган вақтнинг муайян даражада қисқартирилишига эришилди;

ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан бошқарувни таъминлаш, муайян усул билан ёнғинни қуршаб олиш вақти ва ёнғин ўчириш жараёнида ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси орқали тезкор-тактик ҳаракатларни амалга ошириш усуллари, куч ва воситаларининг ёйилишига халақит бермаслиги ва зарурият туғилганда зудлик билан фойдаланишга сафарбар қилиш имкониятига эришилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси орқали ёнғин ўчоғига кўпикнинг сифатли жадаллилиги ва карралилигини таъминлаган ҳолда етарли масофага узатилишига эришилган;

ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг масканлардаги ёнғинларни тезкор баратараф этишга сарфланадиган вақтнинг қисқариши таъминланди;

таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси ёқилғи тежамкорли, қулайлиги, содир бўлган ёнғинларни тезкор ўчириш имконияти борлигини аниқланган;

янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг ҳаракатланишида аниқланадиган сунъий тўсиқларнинг олдини олиш, доимий назаротда бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди;

таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасининг муайян усул билан ёнғинни қуршаб олиш вақти ва тезкор-тактик ҳаракатларни амалга ошириш усуллариининг сифати ҳам ўрганишга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси орқали кўпикли ўчириш воситаларини генератор ёрдамида ёнғин ўчоғига кўпикнинг етарли жадаллилиқ ва карралилигини таъминлаган ҳолда сув ёки кўпик узатиш жадаллилигини етарли масофагача узатиш ёнғинларни самарали ўз вақтида ўчиришга эришилганлиги, шунингдек, ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тезкорлиги ва тактик-техник кўрсаткичларининг яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотни амалга ошириш усулларида фойдаланиш натижаларни бошқа экспериментал натижалар билан таққослаш, назарий ва

экспериментал тадқиқотлар мувозанати ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга тадбиқ этишга асосланган замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Фавқулодда вазиятларда ва содир бўладиган ёнғинларни баратараф этишда ёнғин ўчиришнинг янги техник воситалари такомиллаштириш масаласи илмий жиҳатдан асосланган. Ёнғинларнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинди. Ёнғин ўчириш воситаларининг янги намуналарини такомиллаштириш ва маҳаллийлаштириш механизмининг яратиш, янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси орқали инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини асраш, ёнғиндан кўриладиган моддий зарар миқдорини камайтириш, ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг тактик-техник имкониятларини янада кенгайтириш, янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратиш билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига жорий этилганлиги, натижада ўчириш воситалари бўлган сув ёки кўпик моддаларининг самарали узатиш имконияти яратилганлиги, янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси ёрдамида узатиладиган кўпикли аралашманинг сарфи, кўпикнинг жадаллилиги ва карраликларининг хусусиятлари яхшиланганлиги, иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқарилишига сарфланган харажатларни ҳажмини камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёнғин ўчириш техник воситалари ва усулларини такомиллаштириш орқали ёнғинларни ўчириш самарадорлигини ошириш борасида олинган илмий натижалар бўйича:

янги намунадаги ёнғин ўчириш автомобилида ўчириш воситалари бўлган сув ёки кўпик моддаларининг самарали узатиш имконияти, кўпикли аралашманинг сарфи, кўпик жадаллилиги, карраликларининг хусусиятлари синовдан ўтказилганлиги ва ёнғин ўчириш техникасини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисидаги Навоий вилояти ФВБнинг 2023 йил 21 январь кундаги 6/1-1821–сонли маълумотномаси, шунингдек, таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқарилишига сарфланган харажатларни аниқлаган ҳолда йиллик сарф харажатларнинг миқдорини аниқланишига эришилганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг 2023 йилнинг 24 январь кундаги 6/4/38-211-сонли маълумотномалари олинган.

Натижада ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан бошқарувни таъминлаш, муайян усул билан ёнғинни қуршаб олиш вақтини камайтиришга ва ёнғин ўчириш жараёнида ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси орқали тезкор-тактик ҳаракатларни амалга ошириш усулларининг яхшиланишига, куч ва воситаларининг ёйилишига ҳалақит бермаслиги ва зарурият туғилганда зудлик билан фойдаланишга сафарбар қилиш имкониятини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, улардан 2 та нуфузли хорижий илмий журнал ва 3 та Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 1 та монография, 4 таси халқаро ва 4 таси республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертация ҳажмининг тузилиши. Диссертацияда кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ва эълон қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Ёнғинларни ўчиришда ёнғин-қутқарув бўлинмаларини бошқаришни қўллаб-қувватлашнинг услубий масалаларини ўрганиш”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида ўтган етти йилда содир бўлган ёнғин ва фавқулодда вазиятларнинг таҳлили, ёнғинларни бартараф этишнинг статистикаси ва бугунги кун ҳолатининг таҳлили, ёнғин ўчириш амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган ёнғин ўчириш ва авария-қутқарув техникалари ва мотопомпаларнинг тактик-техник имкониятлари таҳлил қилинган. Ёнғин содир бўлган жойларда ёнғин ўчириш автомобиллари, куч ва воситалари ёнғинни ўчириш асбоб-анжомларини ёйилиши шундай тартибда олиб борилиши керакки улар ёнғин жойига етиб келаётган қўшимча куч ва воситаларни тақсимланишига доир олиб борилган тадқиқотлар натижасида ёнғин ўчириш техник воситаларининг техник таснифи ва қўллаш жабҳалари атрофлича ўрганилган.

Ёнғин ўчириш автомобиллари насос қурилмалари орқали атрофдаги сув хавзаларидан сув олаётган вақтда ёнғин жойларида автонарвон, автокўтаргичлар ва бошқа ёнғин ўчириш техникаларининг кириб келиши учун ўтиш жойларида тирбандлик бўлмаслиги керак. Ёнғин ўчириш техникасининг жойлашуви ёнғин жойларидаги кўчаларнинг транспорт харакатига халақит бермаслиги лозим. Ёнғин ўчириш автоцистерналари эхтимолли асосий позицияларда жойлашиши керак. Захирадаги ёнғин ўчириш техникалари

шундай жойлаштирилиши керакки улар мавжуд бўлган куч ва воситаларнинг ёйилишига халақит бермаслиги ва зарурият туғилганда зудлик билан фойдаланишга сафарбар бўлиши ҳолатлари ҳам ўрганилди. Корреляция коэффициентлари бўйича таққосланадиган қийматлар орасидаги фарқларнинг аҳамиятсизлиги тўғрисидаги нолли гипотезани тадқиқот қилиш қуйидаги формула бўйича амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.

$$|z| = \frac{1}{2} \left| \ln \left[\frac{(1+r_1)*(1-r_2)}{(1-r_1)*(1+r_2)} \right] \right| * \frac{1}{\sqrt{\frac{1}{n_1-3} + \frac{1}{n_2-3}}} \quad (1)$$

Диссертациянинг “**Ёнғин ўчириш техникасининг тактик имкониятлари ва уларни синовдан ўтказиш усуллари**” деб номланган иккинчи бобида таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасининг ишлаш қобилияти синовдан ўтказилган, таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг тактик имкониятларини тадқиқ этиш усуллари, таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг ёнғин ўчириш дастаклари билан асосий ёнғин ўчириш кўрсаткичлари аниқланган, бошқариш вазифаларини расмийлаштириш ва белгилаш учун чегаравий шарт сифатида ёнғиннинг ривожланиши тадқиқ этилган.

Навоий вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда инновацион ғояларга таянган ҳолда яратилган махсус техникани такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари натижалари асосида тажриба-синовлари амалга оширилган.

Махсус техниканинг дастлабки кўриниши яратилган бўлиб, (1-расм) ёнғин ўчириш техникасидан йўналтирилган сувни сув қувурлари жамланмаси орқали олд қисмида жойлашган сачратгич мосламасига узатиш орқали сувли деворни ҳосил қилиш имконияти мавжуд. Сувли деворнинг ҳар бири ўнг ва чап томонига икки метрдан ҳимоя ҳудудини ҳосил қилиши ва бир-бири билан параллел ҳолда кесиши таъминланган. Ушбу сувли девор ёнғиндан келиб чиққан иссиқликни ҳамда кучли таъсир этувчи ва захарли моддалардан зарарлантиришда катта самарадорликка эга эканлигини ҳам кўрсата олади. Махсус техниканинг олд қисмида стационар лафет дастаги ўрнатилган бўлиб, дастакни бошқариш имконияти мавжуд.

Лафет дастагига қўшимча СВП-8 дастагини ўрнатиш орқали ёнғин ўчоғига кўпикли аралашмани узатиш имконияти мавжуд бўлади. Шу билан бирга, учта кўпик аралаштириш мосламаси жойлаштирилган бўлиб, кўпик ҳосил қилувчи суюқликни сўрувчи қувур бошчалари уч ёқлама айиргичга ўрнатилиб, техника ўзи билан олиб юрадиган сифимдан ёки алоҳида идишлардан кўпик ҳосил қилувчи суюқликни сув билан аралаштириб ёнғин жойига 3 дона СВП ёки 1 дона ГПС-600 дастаклари ёрдамида кўпикли аралашма узатиш имконияти яратилган.

Қурилмада мослаштирилган тутун сўргич қурилмаси мавжуд бўлиб, мослама мотор қисмидан чиқадиган айлана ҳаракатни шкифлар орқали 1000 айлан./дақ дан айланишлар сонини 3000 айлан./дақиқа га ўзгартиб беради. Бу тутун сўргич мосламасини ишлаш имкониятларини янада оширади ва соатига 9000 м³ тутунни чиқариш имкониятини беради.

Ёнғин содир бўлган бинони электр тармоғидан узилиши шахсий таркибни жанговор вазифаларини бажаришда ёритиш мосламалари етарли бўлмаганлиги сабабли, ёнғин ўчириш раҳбарига ва шахсий таркибга бир қатор қийинчиликларни туғдиради.

Муаммоларни ечиш мақсадида махсус техникага динамик қурилмаси ўрнатилган бўлиб, унда чиқадиган 12 вольт электр токини 220 вольт 3000 амперга айлантирувчи мослама мавжуд ва махсус техниканинг тепа қисмига 1 дона 400 вольтлик ва 10 метр баландликка кўтарилувчи 1 дона 100 вольтли ёритгич ўрнатилган.

Ёнғин содир бўлган бинонинг бошқа томонларини ёритиш учун ҳар бири 100 метрлик кабел катушкалари ёрдамида 2 дона 200 вольтли ёритгичларни узлуксиз ток билан таъминлаб туриши мумкин. Шунингдек, ҳаракатланиш тизими редуктор орқали йўналтирилганлиги сабабли, махсус техниканинг қия тепаликларга ҳаракатланиш ва ўзи билан икки тоннагача оғирликда бўлган сув цистернасини тортиб юриш имконияти мавжуд.

Шунинг учун уни ўрмон хўжаликлари ва қир-адирликларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда қўллаш мумкин.

Ёнғинларни бартараф этишда ёнғин ўчириш техник воситаларини иссиқликдан ҳимояловчи “СОГДА” экранлари ўрнатиш варианти ҳам “YONG’IN-TEX”МЧЖ мутахассислари ҳамкорлигида “ММК SOGDA-U” номли махсус механик монитор фрагментлари ҳам ишлаб чиқилди. “ММК SOGDA-U” механик монитори олд ва ён томонларидан иссиқлик оқимидан ҳимояловчи экранлар билан жиҳозланган бўлиб, унинг асосий вазифаси техника бошқарувчиси ҳамда техниканинг барча қурилмаларини иссиқлик оқимидан ҳимоялашдан иборат.




1-расм. Таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасида сув ва кукун аралашмасини ёнғин ўчоғига узатиш

Таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасида “ММК SOGDA-U” механик монитори энг линиялари ёрдамида сув таъминот манбаига уланиб, ёнғин содир бўлган объект олдида кераклича яқин масофага бориши ва шу орқали “ММК SOGDA-U” техникасининг оператори томонидан алангаларни кўпик ёки сувни пуркаш усуллари билан ёнғинларни самарали ўчириш имкониятини беради.



2-расмда. Таклиф намунадаги воситасининг чоп томондан кўриши.

этилаётган ёнғин техник ўзагининг



3-расмда. Таклиф намунадаги воситасининг ўнг томондан кўриши.


Редукторлардан айлантираётган айланма харакатни тухтатиш мақсадида, редуктор ва ғилдираклардаги харакатланиш тизимини боғловчи ўққа тормоз тизими, яъни колткаларга ўрнатилган бўлиб, махсус техникани харакатланиш жараёнини бошқаради.



4-расмда. Таклиф намунадаги ёнғин техник воситаси бир қанча деталлардан топган ўшбу махсус қўрилманинг мотори бензин ёқилғиси ёрдамида ҳаракатга келиб, шкифдан чиқадиган айланма харакатни ремент ёрдамида иккита редукторларга ўтказди.



5-расмда. Таклиф намунадаги ёнғин техник воситаси ғилдиракларининг ўз навбатида айланма харакатини ўнг ва чоп томон ғилдиракларга маҳкамланган занжирли ўзатмалар орқали ёнғин техник воситасининг техникасини харакатга келтиради.



6-Расмда.Таклиф этилаётган намунадаги ёнғин техник воситасининг деталларга бўлинган ҳолда аксонометрик схемаси тасвирланган.

- 1.Двигатель. 2.Тутун сўргич. 3. Кўпик аралаштириш мосламаси. 4. Ёритиш ташвишгоҳи. 5. прожектор(Ёритгич мосламаси) 6. 12 ВТни 220 ВТга кўчайтиргич, 7. Кўчма прожектор. 8. Ёритиш чироғи.9 Лафет дастаги.10. Араситель. 11.66мм ўлагич. 12. Товуш ташвишгоҳи. 13.Сув пуркагич мосламаси. 14. Сув сиғими.

Таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Ўтказилган тажриба-синов жараёнида таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникаси орқали ҳаво кўпикли дастак ёрдамида шартли равишда махсус идишда ҳосил қилинган нефт маҳсулоти ёнишини тегишли масофадан ўчириш борасида синов ишлари амалга оширилди.



7 ва 8-расмларда. Таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасида сув ва кукун аралашмаси билан ўчириш учун синов жараёни тасвирланган.

Таклиф этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг самарадорлигини аниқлашда ўзаро таққосланиши ва самарадор лафет дастакини танлаб олиш мақсадида синов тадқиқот жараёни 2 та усулларда амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг 1–усулини ўтказишда янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасининг лафет дастиги орқали кўпик генераторининг ишчанлик қобилияти текширилганидан сўнг тажриба идишининг баландлиги (200 ± 0.1) см бўлган тадқиқот идишида енгил алангаланувчи (бензин) маҳсулотини ёқиш жараёни орқали махсус тадқиқотлар ўтказилди. Унинг эркин ёниши учун 180 ± 5 сония вақт ажратилди. Автомобил насосидаги юқори ўлчов чегараси 1.0 Мпа ($10 \text{ кг} \cdot \text{с} / \text{см}^2$) ва 0.02 Мпа бир бўлиниш ўлчови ($0.2 \text{ кгс} / \text{с} \cdot \text{м}^2$) билан “ГОСТ 50588–2012” га кўра босим ўлчови аниқланди.

Тадқиқотни ўтказишда талаб этиладиган ускуналар ва материаллар кўпик орқали ўчириш вақтини аниқлашни ўз ичига олган (2.5–расм) қурилмалардан фойдаланилди. Кўпикли аралашма таъминотининг критик жадаллилигини аниқлаш учун дастакдан узатилаётган сарф жадаллилигининг икки қиймати орасидаги минимал оралик танланди.

Олинган натижа уч маротаба ўтказилган тажриба ёрдамида амалга оширилди. Автомобил насосидаги юқори ўлчов чегараси 0,4 МПа ($4 \text{ кг} \cdot \text{с} / \text{м}^2$) ва 0.6 МПа бир бўлинишдаги ўлчови ($4 \text{ кг} \cdot \text{с} / \text{м}^2$) билан босим ўлчови қуйидаги формула ёрдамида аниқланди.

$$I_{\text{критик}} = \frac{Q_{\text{сарф}}}{\tau_{\text{вакт}} \cdot S_{\text{ён.май}}} = \frac{160}{45 \cdot 2} = 1,77 \text{ л} / \text{с} \cdot \text{м}^2; \quad (2)$$

бу ерда; $I_{\text{критик}}$ – ўчириш воситаларини узатиш жадаллилиги, $\text{л} / \text{с} \cdot \text{м}^2$; $Q_{\text{сарф}}$ – ёнғиннинг ўчирилишига сарфланган аралашма миқдори, л; $\tau_{\text{вакт}}$ – тажриба идишидаги ёнғиннинг ўчирилишига сарфланган вақт, с; $S_{\text{ён.май}}$ – ёнғиннинг юза майдони, м^2 .

Тадқиқот ўтказилишини таъминлаш учун тажриба идишидаги (противень) ёнувчи маҳсулот ёқилди ва аланганинг эркин ёниши учун 60 ± 5 сония вақти ажратилди, эркин ёниш жараёни 60 сонияни ташкил этгандан сўнг насос ишга туширилди ва дастак тадқиқот идиши (противень) ўчоғининг четидан бошлаб, кўпикнинг ёнаётган суюқлик марказига қараб узатилиши таъминланди. Кўпик узатилишини таъминланиши 120 ± 5 сониягача бўлиши ва ундан ошмаслиги назоратга олинди. Олиб борилган 1-усулида тажрибадаги босими, $P=0,4$ МПа бўлган 3 метрлик яқин масофадан ўтказилди.

Кўпик генератори орқали кўпик ҳосил қилувчи модда ҳаракатланиб ёнғин ўчоғига узатилиши билан бир вақтда секундомер босилди ва ёнғиннинг ўчириш вақти аниқланди, яъни кўпикнинг дастлабки узатилишидан бошлаб, ёнғин ўчирилишигача бўлган вақт ҳисобга олинди. Олиб борилган тадқиқот кетма-кет уч маротаба ўтказилди (1–жадвал).

Тадқиқот олиб борилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш техникаси орқали ёнғин ўчириш вақти ва аралашманинг сарф миқдори


| № | Дастак намуналари | Ёнғиннинг ўчириш вақти, с | КХҚ эритма сарфи, л/с | Насосдаги босим, МПа | Критик жадаллик л/с · м ² | Аралашманинг умумий сарфи л/с |
|---|-------------------------------|---------------------------|-----------------------|----------------------|--------------------------------------|-------------------------------|
| 1 | Лафет-20 русумли дастаги | 58 | 0,2 | 0,4 | 1,37 | 3,7 |
| 2 | Кўпик ҳосил қилувчи генератор | 45 | 0,2 | 0,4 | 1,77 | 3,7 |

Тадқиқотнинг 2–усули сифатида ёнғиннинг қайта алангаланиш вақтини аниқлаш учун ёнаётган аланга тадқиқот идишидаги (противень) аланга юзасининг ўчириш вақти қайд қилинди. Ушбу тадқиқот ҳам уч маротаба ўтказилди ва қуйидаги формула орқали қайта алангаланиш вақти аниқланди. Ҳар бир аланга учун ишчи аралашманинг оқим жадаллилиги ($I_{\text{крит}}$), қуйидаги формула орқали аниқланади.


$$I_{\text{критик}} = \frac{Q_{\text{сарф}}}{\tau_{\text{вақт}} \cdot S_{\text{ён.май}}} = \frac{71}{19 \cdot 2} = 1,86 \text{ л/с} \cdot \text{м}^2; \quad (3)$$

бу ерда; $I_{\text{критик}}$ – ўчириш воситаларини узатиш жадаллилиги, л/с · м²; $Q_{\text{сарф}}$ – ёнғиннинг ўчирилишига сарфланган аралашма миқдори, л; $\tau_{\text{вақт}}$ – тажриба идишидаги ёнғиннинг ўчирилишига сарфланган вақт, с; $S_{\text{ён.май}}$ – ёнғиннинг юза майдони, м². Янги намунадаги ёнғин ўчириш техникасида тадқиқот олиб борилаётганда қайта алангаланишни ўчириш учун сарфланган вақт, дастакдан чиқаётган аралашма сарфи, критик жадаллилиги ҳамда аралашманинг оқим тезлиги аниқланди. Ёнғиннинг қайта алангаланиши учун тадқиқот идишининг марказида кўшимча идиш ўрнатилди. Кўшимча идиш (тигель) ички диаметри (150 ± 5) мм, баландлиги (150 ± 5) мм ҳажмда тайёрланди ва ёнувчи суюқликни (1 ± 0.1) дм³ билан тўлдирилди. Олиб борилган биринчи босқичли тажрибада босими, P=0,6 МПа бўлган ва 3 метрлик яқин масофадан тажриба ўтказилди.

Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида биринчи навбатда тадқиқот идиши ернинг текис юзасида ўрнатилди. Кўпик ҳосил қилувчи дастак орқали кўпикнинг ёнғин ўчоғига етиб боришини таъминлаш мақсадида 45° бурчак остидаги қияликда ушланиши таъминланди. Синовлар очиқ майдонда юқори ҳароратли ёнғин таъсирида ўтказилди. Бундан ташқари, таклиф этилаётган намунадаги ёнғин-техник воситасининг барча техник тактик-характеристикалари, ёқилғи сарфи ва яроқлик муддатларини ҳам ўрганиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.



9-Расмда. Таклиф этилаётган намунадаги ёнгин-техник воситасининг тезланиши



10-расмда. Таклиф этилаётган намунадаги ёнгин-техник воситасининг динамик омилларга таъсирини ўрганиш

Диссертациянинг “Таклиф этилаётган янги намунадаги ёнгин ўчириш техникасининг тактик–техник имкониятини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида таклиф этилаётган янги намунадаги ёнгин ўчириш техникасининг самарадорлигининг тактик-техник имкониятларини моделлаштириш, таклиф этилаётган ёнгин ўчириш техникаси орқали ёнгинларни бартараф этишдаги тезкор-тактик ҳаракатларни амалга оширишнинг усули ва алгоритми, таклиф этилаётган ёнгин ўчириш техникасини техник хизмат кўрсатиш бирикмаларини ва ёнгин ўчириш қисмларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш бажарилди. Моделлаштириш натижасида оқимнинг асосий хусусиятлари аниқланди: буғ ва сувнинг масса улушларининг тезлигидаги босими ва оқимдаги чиқишнинг реактив кучи кўзғалмас муаммоли уч ўлчовли шароитда кўриб чиқилди. Лойиҳалаш схемаси ва чегара шартлари схематик тарзда кўрсатилган: дастакнинг кириш қисмида 2 МПа босим, чиқишда атмосфера босими ва бошқа қаттиқ сиртга ёпишиш ҳолати ўрнатилган. Симуляция сув ҳароратининг ҳар хил қийматлари 30 дан 90 °С гача амалга оширилди.

Ҳисоблаш моделида қуйидаги тахминлар мавжуд ва иссиқлик узатиш жараёнларининг моделлаштиришдан чиқарилиши, сувнинг чиқиши жараёнида моделлаштириш зонаси учун термал мувозанат режими ўрнатилди. Муаммони симуляция қилиш учун тавсия этиладиган формулага мувофиқ дастурий таъминот комплекси ишлатилган. Кўп фазали бир ҳил оқимлар тенгламалар тизими орқали тавсифланади:

ҳар бир фаза учун массанинг сақланиш тенгламаси:

$$\frac{\partial(r_a \rho_a)}{\partial t} + \nabla(r_a \rho_a U_a) = \sum_{\beta=1}^2 G_{\alpha\beta}, \quad (4)$$

аралашма учун ҳаракат миқдорининг сақланиш тенгламаси:

$$\frac{\partial(\rho_m U)}{\partial t} + \nabla \cdot (\rho_m U \times U - \tau) = -\nabla p \quad (5)$$

ҳажмнинг сақланиш тенгламаси:

$$\sum_{a=1}^2 r_a = 1 \quad (6)$$

бу ерда: $G_{\alpha\beta}$ – β фазадан α фазага бирлик ҳажмдаги масса оқими; r_a – α фазанинг ҳажмий улуши; U – тезлик вектори; ρ_a , ρ_m – фаза зичлиги ва аралашма зичлиги, p – босим; τ – кучланиш тензори. Янги намунадаги таклиф этилаётган дастакнинг кириш қисмидаги турли сув ҳароратининг дастак учлигидан чиқиш қисмида ўртача оқим таснифлари 2–жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Оқим кўрсаткичларининг чиқиш қисмидаги ўртача қийматлари

| № | Ҳарорат, °С | Сувнинг қизимаслиги | Кенг оқим Сарфи, кг/с | Оқим тезлиги, м/с | Сувнинг кенг улуши |
|---|-------------|---------------------|-----------------------|-------------------|--------------------|
| 1 | 20 | 0,69 | 0,107 | 187,4 | 0,25 |
| 2 | 40 | 0,61 | 0,107 | 187,2 | 0,25 |
| 3 | 80 | 0,50 | 0,107 | 187,0 | 0,24 |

Диссертациянинг “Таклиф этилаётган ёнғин ўчириш техникасининг ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ хавfli омилларни бартараф этишни қиёсий моделлаштири” деб номланган тўртинчи бобида саноат объектларида юзага келадиган ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ хавfli омилларни бартараф этишни моделлаштириш, электростанциясининг 220 кВтли электр токини тақсимлаш учун мўлжалланган очик турдаги қурилма (трансформатор)да содир бўлган ёнғинни ўчириш учун керак бўлган куч ва воситаларининг ҳисоблаш, саноат объектлари биноларида ёнғинларни ўчириш мураккаблигини қиёсий моделлаштириш, ёнғинга қарши ҳимоя бўйича махсус синов машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг назарий асослари, ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг янги намунадаги ёнғин ўчириш автомобили орқали тезкор-тактик кўникмаларини шакллантириш ва касбий тайёргарлигини оширишни татқиқ этиш, таклиф этилаётган янги турдаги ёнғин ўчириш техник воситаларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган.


